

ОЛИЙ ЎҚУВ ЙОРТЛАРИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ГРАФИКА ФАНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Азимов Алишер Тохирович

Рахимов Анвар Махмудович

Аннатация. Ушбу мақолада графика ва компьютер графикаси фанларини Олий ўқув юртларининг техника таълим йўналишлари ўқув режаларида ўқитилиш муаммолари келтирилган.

Калитли сўзлар. Чизма геометрия, муҳандислик графикаси, компьютер графикаси, геометрик моделлаш, AutoCAD, КОМПАС, техникавий чизмачилик усуллари, геометрик таълим, график тайёргарлик, электрон ўқув қўлланма.

РОЛЬ ГРАФИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ В ВУЗЕ

Аннотация. В статье представлена проблематика преподавания дисциплин графической и компьютерно-графической направленности учебных планов технического направления образования высших учебных заведений.

Ключевые слова. Начертательная геометрия, инженерная графика, компьютерная графика, геометрическая модель, AutoCAD, КОМПАС, геометрические дисциплины, методы технического черчения, графическое образования, графическая подготовка, электронная учебное пособие.

THE IMPORTANCE OF GRAPHICS IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF HIGHER EDUCATION COUNTRIES

Annotation. The article presents the problems of teaching graphic and computer-graphic disciplines in technical education curricula of higher educational institutions.

Keywords. Descriptive geometry, engineering graphics, computer graphics, geometric model, AutoCAD, COMPASS, geometric disciplines, technical drawing methods, graphic education, graphic preparation, electronic textbook.

Замонавий мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимида графика фанлари алоҳида ўрин тутади. Уларни ўрганиш бошқа техника фанларини муваффақиятли ўзлаштириш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг асосини яратади ва келажакдаги муҳандисларнинг малакасини оширишга, уларнинг проекцион тасаввурини, фикрлаш мантигини ва шахсий ақлини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Талабаларни техник расм ва

чизма чизиш техникаси, усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ техник муаммолар мажмуаси кўриб чиқиладиган билим ва қўнималарни амалда қўллаш қўнималарини келажакдаги мұхандисларнинг график таълим мининг мақсади ва уларни янада ривожлантириш учун зарур шартдир, бунда мұваффақиятли касбий фаолият ва мартаба ўсиши имконияти яратилади.

Техника таълим йўналиши талабаларига “Мұхандислик ва компьютер графикаси” фанини ўқитиш уларнинг график тайёргарлигининг ажралмас ва мұхим қисмидир. Талабалар томонидан ушбу фанни ўзлаштириш уларга уч ўлчовли фикрлашни, чизма геометрия ва чизмачилик масалаларини ечиш қобилиятини, машинасозлик, йиғиш чизмаларини ўқиш ва бажариш, улардан профессионал техника масалаларини ечишда фойдаланиш қўнималарини ривожлантиришга имкон беради [2].

ТошДТУ ўқув дастурига мұвоғиқ техника таълим йўналишидаги талабалр учун “Мұхандислик ва компьютер графикаси” фани 4 ва 6 кредит бирликлари микдорида 1 ва 2 семестрларда ўрганилади. Ушбу фан чизма геометрия ва компьютер графикаси кафедрасида ўқитилади. Фанни ўрганиш доирасида маъруза курси, амалий машғулотлари ва мустақил таълимни бажарилишини ўз ичига олади.

Талабалар сұхандислик графикасини бир неча бўлимларни ўрганадилар: “Нуқта. Тўҳри чизиқ. Текислик”, “Сиртларни умумий ва хусусий вазиятдаги текисликлар билан кесишиши” ва “Сиртларнинг ўзаро кесишиши”; Чизмаларни бажариш ва лойиҳалашнинг умумий қоидалари учун Конструкторлик хужжатларининг ягона тизими (КҲЯТ) стандартлар; Йиғиш чизмаларини ишлаб чиқиш ва чизиш; Электр чизмалари; Схематик диаграммаларнинг бажариш ва рўйхатдан ўтказиш.

Чизма геометрия бўлими бўйича маъруза материалларини чизма геометрия ва компьютер графикаси кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тушунтиришда Тошкент давлат техника университети Чизма геометрия ва компьютер графикаси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган электрон мажмуа талабалар томонидан курсни энг яққол ва тўлиқ тушуниши учун фойдаланилади [1].

Компьютер графикаси бўлими доирасида талабалар замонавий компьютер графикаси воситаларини ўзлаштирадилар, турли детал ва буюмларни чизиш ва ўқиш бўйича билим, қўникма ва малакаларга эга бўладилар. Компьютер графикаси амалий машғулотларида маҳсус услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда AutoCAD ва КОМПАС график мұхаррирларида чизмаларни чизиш ва таҳрирлаш, ўлчамларини аниқлаш, матн ёзиш, гурухлар билан ишлашнинг асосий қўникмаларни берадиган амалий ишларини бажарадилар. Талабалар геометрик объектларни фазовий моделлаштириш имкониятлари билан ҳам танишадилар. Масалан, AutoCAD

ва бошка график мұҳаррирлари электр схемаларин чизиш учун ишлатилади, бу электр элементларини шартли график тасвирларининг мавжуд базалари туфайли ишлаб чиқаришда электр занжирларини лойиҳалаш имконини беради. Асосий электр занжирларини лойиҳалашда спецификацияни лойиҳалаш тизимиға эга. Тизимлар қандай соҳанинг лойиҳалаш ташкилотларида, бўлимларида ва гурӯхларида қўлланилади, улар ўз фаолиятини моҳиятига кўра асосий электр занжирларини ва уларга элементлар рўйхатини тузиб чиқадилар.

Ушбу фанни ўрганиш жараёнида талабаларга чизмаларни ўқиши учун зарур кўнилмалар ўргатилади, уларсиз юқоридаги кўрсатилган таълим йўналиши бакалаврларининг бошқа техника фанларни ўзлаштириш мумкин эмас. Шундай қилиб, асосий билимларга асосланган ва замонавий технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда талабаларни графика фанини ўқитишининг тўғри ва оқилона тизими барпо этилмоқда, бу техника таълим йўналишидаги талабаларнинг тайёргарлик даражасини сезиларли даражада оширишга, замонавий ишлаб чиқаришда талаб қилинадиган, доимий ўзини ўзи бошқаришга имкон беради.

Адабиётлар

1. Кордонская И.Б. Базисное изучение графических дисциплин. Самара: Изд-во Самарского гос.техн. уни-та, 2005. – 186 с
2. Шипова Г.М., Машкина Л.М., Волкова С.Н. Практикум по изучению основ компьютерной графики в гравической среде AutoCAD. Саранск: Изд-во Мордов.ун.та, 2006. – 104с.